

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОДЖИЕВ ЖАМОЛИДДИН НАСИРИДДИНОВИЧ**

**МИС(II), РУХ(II) ВА СИМОБ(II) ИОНЛАРИНИ ПИРИДИН  
АСОСИДАГИ ЯНГИ АЗОРЕАГЕНТ БИЛАН СПЕКТРОФОТОМЕТРИК  
АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.02 – Аналитик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по химическим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on chemical sciences**

**Тоджиев Жамолиддин Насириддинович**

Мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини пиридин асосидаги янги азореагент билан спектрофотометрик аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш.....3

**Тоджиев Жамолиддин Насириддинович**

Разработка спектрофотометрических методов определения ионов меди(II), цинка(II) и ртути(II) новым азореагентом на основе пиридина.....21

**Todjiev Jamoliddin**

Elaboration of spectrophotometric methods for the determination of copper(II), zinc(II) and mercury(II) ions by new azoreagent based on pyridine.....39

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОДЖИЕВ ЖАМОЛИДДИН НАСИРИДДИНОВИЧ**

**МИС(II), РУХ(II) ВА СИМОБ(II) ИОНЛАРИНИ ПИРИДИН  
АСОСИДАГИ ЯНГИ АЗОРЕАГЕНТ БИЛАН СПЕКТРОФОТОМЕТРИК  
АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.02 – Аналитик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/K184 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Турабов Нурмухаммат Турабович**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Абдурахмонов Эргаш**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Султонов Марат Мирзаевич**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё технология институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, (998 71) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)246-07-88; 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, 246-02-24).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.Т. Шарипов**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.А. Гафурова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

**А. М. Насимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда кимё ва текстил саноати, тиббиёт, автомобилсозлик, электро-техника, электроэнергетика ҳамда халқ хўжалигини ривожланиши, атроф-муҳитнинг турли хил газлар, суюқ ва қаттиқ ҳолатдаги саноат чиқиндилари, оғир ва захарли металллар(ОЗМ) билан ифлосланиши ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган кучли экологик муаммоларни келтириб чиқараётганлиги сабабли, уларни келиб чиқишини олдини олиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Саноатда ОЗМ дан оқилона фойдаланиш ҳамда уларнинг микроиқдорини аниқлашда экспресс, арзон, селектив усулларни ишлаб чиқиш ва назорат қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда олиб борилаётган илмий изланишларда ўта тоза ОЗМларни рудалар ва саноат чиқиндиларидан ажратиб олиш, уларнинг таркибини аниқлашнинг танлаб таъсир этувчан ва юқори сезгир усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунёнинг етакчи олимлари томонидан ОЗМларини, жумладан мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини аниқлашда янги комплекс ҳосил қилувчи функционал аналитик гуруҳлари сақлаган органик аналитик реагентлар (ОАР)ни қўллаш орқали юқори сезгирликни, селективликни ва экспрессликни ошириш бўйича бир қатор назарий ишлар амалга оширилган.

Мамлакатимизда кимё саноатида янгидан-янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида маълум натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизда, инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф муҳитини муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жихатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикаимизда мис, рух ва симоб каби ОЗМнинг кимё, авиация, тиббиёт, халқ хўжалиги саноатларида кенг қўлланилганлиги сабабли, уларни аниқлашнинг замонавий, ишончли, экспресс ва иқтисодий жихатдан арзон усулларини яратиш муҳим аҳамият эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони ва 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4265-сонли Қарори ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини аниқлаш бўйича дунё миқёсидаги олимлар турли тадқиқотлар билан шуғулланиб келганлар ва ҳозирда ҳам шуғулланмоқдалар. Уларни аниқлашнинг физик, физик-кимёвий ва бошқа методикалари ишлаб чиқилган, лекин уларда аппаратуранинг мураккаб тузилганлиги ва қимматлиги билан тавсифланади. Шунинг учун ушбу металл ионларини спектрофотометрик аниқлашнинг ҳозирда мавжуд барча талабларга жавоб берувчи янги, янада такомиллашган замонавий методлари ишлаб чиқилиши зарур.

Бу соҳада ишларига энг кўп ҳаволалар қилинган қуйидаги муаллифлар: K.Hagivara, I.Muraki, G.A.Shar, G.A.Soomro, Y.Guo, M.Tian, B.Din, Y.Liu, S.Meng, X.Chang, M.S.Jeoung, H.S.Choi, J.Qinhan, H.Sinn ва кўплаб бошқаларни келтириб ўтиш мумкин. МДХ мамлакатларининг бир қатор олимлари: И.П.Алимарин, А.К.Бабко, А.Т.Пилипенко, Ю.А.Золотов, Л.Н.Москвин, С.Б.Саввин, О.А.Шпигун, В.М.Иванов, А.И.Бусев, И.Ф.Долманова, Т.Н.Шпигун, Е.Н.Дорохова, В.П.Васильев, А.В.Булатов ва бошқалар металларни, шунингдек мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини спектрофотометрик аниқлашнинг ривожлантирилишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшганлар.

Уларнинг сафидан замонавий ўзбек олимлари ҳам кенг ўрин олган, шу жумладан, академик Ш.Т.Толипов томонидан Республика ва Ўрта Осиёда аналитиклар мактаби яратилди ва унинг аъзолари ўз ишларини ОЗМларни оптик ва электрокимёвий анализ методларига, фотометрик, спектрофотометрик, комплексонометрик, инверсион-вольтамперометрик, амперометрик ва бошқа анализ методларига бағишлади. Ўзбекистон олимлари: В.А.Хадеев, А.К.Жданов, Р.Х.Джиянбаева, Н.Б.Бабаев, Т.Қ.Хамракулов, А.М.Геворгян, К.З.Рахматуллаев, Е.Л.Круковская, И.П.Шестерова, Л.В.Чапрасова, О.Ф.Файзуллаев, Н.Т.Турабов, З.А.Сманова, А.М.Насимов, Э.Абдурахманов ва бошқалар номлари шу йўналишнинг бевосита ривожланиши билан боғлиқ. Юқоридагиларнинг барчаси янги ОАРлар билан боғлиқ, амалиётда экологик ва аналитик мақсадларда мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини спектрофотометрик аниқлашда илмий текширув ишлари учун кенг имкониятлар яратилишидан далолат беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-22-7 «Региоселектив органик реагентлар синтези» (2012-2016 й.й.) ва А-12-53 «Полимер ташувчиларга иммобилланган реагентлар билан атроф-муҳит объектларида экотоксикантларни фотометрик ва

сорбцион-фотометрик аниқлаш методларини ишлаб чиқиш» (2015-2017 й.й.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини сезгир ва селектив азореагент ёрдамида аниқлашнинг оптимал шароитларини ишлаб чиқиш ва реал объектлар анализидида қўллашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини микро- ва макромиқдорларини аниқлашда янги азореагент 5-метил-(пиридил-2-азо)-1,8-аминонафтол-2,4-дисульфокислотанинг мононатрийли тузидан (5МПААНH<sub>5</sub>S<sub>2</sub>,S-2,4) ОАР сифатида фойдаланиш ва у билан рангли комплекслар ҳосил бўлишининг оптимал шароитларини аниқлаш;

5МПААНH<sub>5</sub>S<sub>2</sub>,S-2,4 ва унинг металл ионлари билан ҳосил қилган комплексларининг физик-кимёвий хоссалари, спектрал тавсифлари, ҳақиқий моляр сўндириш коэффициенти, комплекс бирикмаларнинг таркибий моллар нисбати, мувозанат, беқарорлик ва барқарорлик константаларини аниқлаш;

даражаланган графикнинг тўғри чизик тенгламаларини ҳисоблаш ва текширилаётган аналитик реакцияларнинг танлаб таъсир этувчанлигини турли хил ионлар иштирокида текшириш.

ишлаб чиқилган методикаларни тўғрилиги ва қайта тикланувчанлигини аниқлаш, ионларни қуйи аниқланиш чегараларини ўрнатиш ҳамда олинган натижаларни метрологик баҳолаш.

ишлаб чиқилган методикаларни лаборатория шароитларида синовдан ўтказиш ва реал объектлар таркибидан Cu(II), Zn(II), Hg(II) ионларини аниқлашнинг янги оптик методикаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни турли мураккаб объектлар ва материаллар анализининг рационал ечимларини излашда қўллаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида турли хил таркибли саноат қотишмаларининг стандарт намуналари, табиий сувлар ва руда танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида мис, рух ва симоб, ва уларнинг атроф-муҳит объектларидаги ўта захарли бўлган бирикмалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида спектрофотометрик, фотометрик, потенциометрик, ИҚ-, ПМР-спектроскопияси, квант-кимёвий ва олинган натижани статистик қайта ҳисоблаш методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор янги селектив органик аналитик реагент 5-метил-(пиридил-2-азо)-1,8-аминонафтол-2,4-дисульфокислотанинг мононатрийли тузини моляр сўндириш коэффициенти ва диссоциланиш константаси аниқланган;

илк бор спектрофотометрик методи ёрдамида Cu(II), Zn(II) ва Hg(II) ионларини 5-метил-(пиридил-2-азо)-1,8-аминонафтол-2,4-дисульфокислотанинг мононатрийли тузи билан комплекс ҳосил қилиш реакцияларининг ҳақиқий моляр сўндириш коэффициенти, мувозанат ва барқарорлик константалари аниқланган;

илк бор мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини 5-метил-(пиридил-2-азо)-1,8-аминонафтол-2,4-дисульфокислотанинг мононатрийли тузи билан аниқлаш методикалари яратилган;

мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини аниқлашнинг спектрофотометрик усуллари ишлаб чиқилган, селективлиги аниқланган ва уларнинг сунъий бинар, мураккаб аралашмалар, реал табиий объектлар, стандарт саноат қотишмалари ҳамда табиий сувлар таркибидан мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини аниқлашнинг селективлиги ва аниқликнинг ошганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини бинар ва янада мураккаб аралашмаларда, саноат намуналаридан, табиий сувлар, минераллар ва бошқа объектлар таркибидан 5МПААН<sub>S</sub>,S-2,4 реагенти билан аниқлашнинг юқори сезгир, экспресс, иқтисодий жиҳатдан арзон, танлаб таъсир этувчан методикалари ишлаб чиқилган;

оптимал шароитларнинг муҳит кислоталилиги, металл ионлари ва реагентнинг концентрацияси, шунингдек бошқа физик-кимёвий тавсифлари аниқланган;

мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини 5МПААН<sub>S</sub>,S-2,4 реагенти билан бинар, сунъий аралашма ва мураккаб бўлган реал объектларга ҳамда алюминий ва мис асосидаги саноат қотишмалари таркибидан селектив спектрофотометрик аниқлаш методикаси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фотометрия, спектрофотометрия, потенциометрия, ИҚ- ва ПМР-спектроскопия каби замонавий физик-кимёвий методлар ҳамда квант-кимёвий ҳисоблашлар билан исботланган. Хулосалар математик статистика методлари билан қайта ишланган тажриба натижалари асосида таҳлил қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини индивидуал эритмалардан, табиий сув, алюминий ва мис асосидаги саноат қотишмалари ҳамда табиати бўйича нисбатан мураккаб материаллар ва атроф-муҳит объектлари анализини таъминлайдиган сунъий, бинар ва мураккаб аралашмалардан спектрофотометрик аниқлаш методикаси таклиф қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган спектрофотометрик методикасини атроф-муҳит объектларидан Cu(II), Zn(II) ва Hg(II) ионларини руҳсат этилган микдоргача ва ундан анча паст бўлган концентрацияларни аниқлашга имкон беради, бу ушбу экотоксикантларнинг аниқ микдорини турли хил объектларда аниқлаш имкониятини берди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини 5МПААН<sub>S</sub>,S-2,4 билан спектрофотометрик аниқлаш методикаларини ишлаб чиқишда олинган илмий натижалар асосида:

мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини микромикдорини реал объектлар таркибидан спектрофотометрик аниқлаш методикалари «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2019 йил 22 майдаги 687/ГК-19-05-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган методикалар реал объектлар таркибидан мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини микромикдорини аниқлашда селективлиги, сезгирлиги, экспресслиги ва аниқликни ошириш имконини берган;

симоб(II) ионларини спектрофотометрик аниқлаш методикаси «Эксперт-криминалистика Бош Маркази лабораторияси»да ашёвий далиллар таркибидаги симоб(II)ни аниқлаш учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика Бош Марказининг 2019 йил 29 октябрдаги 21/1321-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган симоб(II) ионини 5МПААН<sub>S</sub>,S-2,4 билан спектрофотометрик аниқлаш методикаси анализни осон бажарилишини ва методнинг сезгирлигини ошириш имконини берган;

мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини спектрофотометрик аниқлаш методикаларидан А-7-46 рақамли «Каолин, фосфогипс, кўмир асосидаги композитли наносорбентларни яратиш орқали чиқиндиларни қайта ишлаш» мавзусидаги амалий лойиҳада сувни оғир металл ионларидан тозалашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги 89-03-3315-сон маълумотномаси). Натижада сувни оғир металл ионларидан тозалаш ва заҳарлиликни баҳолаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 3 та халқаро ва 9 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 3 та Республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини спектрофотометрик, фотометрик ва бошқа физик-кимёвий аниқлаш методлари**» деб номланувчи биринчи бобида адабиёт шарҳлари келтирилган бўлиб, унда мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини сувли муҳитларда ҳар хил хусусиятга эга бўлган турли реагентлар ёрдамида оптик ва бошқа методлар билан аниқлашга бағишланган хорижий ва Республика нашрларида келтирилган ишлар баён этилган. Аналитик кимёда ОАР ларни қўлланиши

тобора кўпайиб бормоқда. Улар сезиларли кимёвий фаоллиги билан ажралиб туради ва турли хил металл ионлари билан таъсирлашиб рангли ёки рангсиз бирикмалар ҳосил қилади. Уларнинг ўзига хослиги, маълум рН оралиғида айрим элемент гуруҳлари билан реакцияга киришиш хусусиятига эгаллиги билан ажралиб туради. Реакцияларнинг юқори сезгирлиги ҳисобига ОАРлар етарли даражада аниқлик билан кичик миқдордаги металл ионларини аниқлаш имконини беради, шу билан бирга баъзи ҳолларда бир элементни бошқаларининг мавжудлигида дастлабки ажратишларсиз аниқлаш имкони мавжуддир. Адабиётлардаги маълумотларнинг таҳлили ушбу ишнинг тадқиқот объекти, вазифалари ва мақсадини танлашга имкон яратган.

Диссертациянинг «Комплекс ҳосил бўлишининг оптимал шароитларини ўрнатиш, реагент ва унинг металлокомплексларини спектрофотометрик тавсифларини аниқлаш» деб номланган иккинчи бобида стандарт ва ишчи эритмаларни тайёрлаш методлари келтирилган, реагентнинг идентификациялаш ва металл ионларини 5МПААНС,S-2,4 билан сифат реакциялари ўтказилган, комплекс ҳосил бўлиш реакцияларини оптимал шароитлари ва спектрофотометрик тавсифлари танланган, комплексларнинг таркибий моллар нисбати ўрнатилган, 5МПААНС,S-2,4 реагенти ва мис(II), рух(II) ва симоб(II) комплексларини сезгирлиги ҳамда турли хил константалари спектрофотометрик методида аниқланган.

Электрон, ИҚ- ва ПМР- спектрларида реагентнинг идентификацияси текширилди. Пиридин ҳосилаларини тозалаш учун бир марталик қайта кристаллаш етарли ҳисобланади.

Спектрофотометрик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу ишда қўлланилган пиридилазо бирикмали ОАР сифатида фойдаланилган 5МПААНС,S-2,4 505-530 нм соҳаларда максимум нур ютилишнинг эгрлари битта эканлигини тавсифлади. Реагентнинг эритмадаги ҳолатини аниқлаш учун унинг нур ютилиш спектрини турли рН муҳитларга боғлиқлиги текширилди. Олинган натижалар 5МПААНС,S-2,4 ни рН 2,0-5,0 оралиғида 505-520 нм соҳаларда, рН 5,0-7,0 оралиғида 515-530 нм соҳаларда, рН 7,0-10,0 оралиғида 525-530 нм ва рН 10,0-13,0 оралиғида 510-525 нм соҳаларда максимум нур ютилишини кўрсатди.




1-Расм. 5МПААНС,S-2,4 билан Cu(II)-1, Zn(II)-2 и Hg(II)-3 комплекслари ОЗ ни муҳит кислоталилигига боғлиқлиги графиги.

Олинган натижаларга асосланиб металл ва реагентнинг доимий концентрациясида комплекслар эритмаларининг оптик зичлигини (ОЗ) эритма рН га боғлиқлиги графиги тузилди (1-расм). Комплекснинг ОЗ эритмаларнинг рН-и ортиши билан ортиб боради, комплекснинг максимал ОЗ Cu(II)-1 комплекси учун рН=3,5-4,8, Zn(II)-2 комплекси учун рН=5,9-7,0 ва Hg(II)-3 комплекси


учун  $pH=8,0-9,0$  оралиғида кузатилди. Олинган натижаларга асосан оптимал  $pH$  сифатида  $Cu(II)$  комплекси учун  $pH=4,0$ ,  $Zn(II)$  комплекси учун  $pH=6,5$  ва  $Hg(II)$  комплекси учун  $pH=8,6$  танланди.

Металларнинг тўлиқ комплексга боғланишини таъминлаш мақсадида реагентнинг оптимал миқдорини аниқлаш учун металл ионлари концентрациясини ўзгармас ҳолда реагентнинг миқдори оширилиб бир нечта тажрибалар ўтказилди. 10,0 мкг  $Cu(II)$ , 20,0 мкг  $Zn(II)$  ва 40,0 мкг  $Hg(II)$  миқдорларини комплексга тўлиқ ўтказиш учун 0,05%-ли 5МПААНС,S-2,4 реагенти эритмасидан  $Cu(II)$  иони учун 0,9 мл ва  $Zn(II)$  иони учун 1,5 мл, 0,1%-ли 5МПААНС,S-2,4 реагенти эритмасидан  $Hg(II)$  иони учун 1,3 мл етарли бўлди. Кейинги тадқиқот ишларида реагентнинг оптимал миқдори сифатида юқорида аниқланган ҳажмлардан фойдаланилди.

5МПААНС,S-2,4 билан мис(II), рух(II) ва симоб(II) комплексларининг юқори сезгирлиги, контрастлиги, вақтга нисбатан барқарорлиги, шунингдек,  $Cu(II)$ ни кислотали,  $Zn(II)$ ни нейтрал ва  $Hg(II)$ ни ишқорий муҳитларда реакцияларини олиб борилиши спектрофотометрик анализда қўллаш имконини берди. Оптимал шароитлар асосида металл ионларининг 5МПААНС,S-2,4 билан реакцияларини Бугер-Ламберт-Бер қонунига бўйсиниши аниқланди. Комплексларнинг ОЗ ва  $Cu(II)$ ,  $Zn(II)$  ва  $Hg(II)$  металл ионларини концентрацияси орасидаги тўғри чизиқли боғланиш 25,0 мл сувли эритмада  $Cu(II)$  учун 0,50-6,50 мкг,  $Zn(II)$  учун 1,0-18,0 мкг ва  $Hg(II)$  симоб 1,0-40,0 мкг оралиғида кузатилди (2 ва 3 расм).



2-расм. 5МПААНС,S-2,4 билан Мис(II) ва рух(II) комплексларини Бугер-Ламберт-Бер қонунига бўйсунуши графиги.





3-расм. 5МПААНС,S-2,4 билан симоб(II) комплексини Бугер-Ламберт-Бер қонунига бўйсунуши графиги.

Мис(II), рух(II) ва симоб(II) комплексларининг 5МПААНС,S-2,4 реагенти билан таркибий моллар нисбати мувозанатлар силжиши, спектрофотометрик титрлаш, изомоляр сериялар ва Асмуснинг тўғри чизиқли методлари билан аниқланди. Эритмаларнинг умумий ҳажми доимий ҳолда ( $V_{Me}+V_R=const$ ) сақланиб металл тузларини эритмалари ва реагентнинг изомоляр миқдорлари антибат нисбатларда аралаштирилиб реакцияга киришувчи компонентларнинг нисбатлари аниқланди. Бунда эритманинг умумий ҳажмида иккита компонентнинг грамм-молининг умумий миқдори доимо ўзгармас ҳолда сақланди. Натижалар (4,5-расмлар) 5МПААНС,S-2,4 билан  $Cu(II)$ ,  $Zn(II)$  ва  $Hg(II)$  комплексларни таркиби тўртта ҳар хил ва

мустақил усуллар билан текширилганда ҳам, бир хил ва Me:R 1:2 нисбатга тенглигини кўрсатди.

Комплекс ҳосил бўлишининг оптимал шароитларида рангли реакцияларининг асосий спектрофотометрик тавсифларидан: реагент ва комплекснинг максимум нур ютилиш спектрлари, реакция контрастлигини тавсифловчи  $\Delta\lambda$  фарқи ва бошқалар олинди (1-жадвал).



4-расм. Мувозанатлар силжииши усули билан 5МПААНС,S-2,4 билан  $\text{Cu(II)}$  комплексини таркибий моллар нисбатини аниқлаш графиги.

5-расм. Изомольяр сериялар усули билан 5МПААНС,S-2,4 билан  $\text{Zn(II)}$ -1 ва  $\text{Hg(II)}$ -2 комплексларини таркибий моллар нисбатини аниқлаш графиги.

5МПААНС,S-2,4 ни нур ютилишининг моляр сўндириш коэффициенти (НЮМСК) ва диссоциланиш константаси ( $K_{\text{дисс}}$ ) Комар методи билан спектрофотометрик методида аниқланди. Бунда ўзгармас концентрацияли реагент эритмаси ва рН турли хил қийматларда бўлган буфер эритмалардан фойдаланилди. Барча тажрибаларда 5МПААНС,S-2,4 ни концентрацияси  $2,172 \cdot 10^{-5}$  моль/л ни ташкил қилди. Тажрибалардан олинган натижаларга кўра Комар методи билан НЮМСК ва реагентнинг  $K_{\text{дисс}}$  3306 ва  $2,95 \cdot 10^{-8}$  ( $\text{p}K=7,53$ ) тенглиги ҳисоблаб топилди, бунда 5МПААНС,S-2,4 нафтол ядросидаги  $\text{OH}^-$  дан  $\text{H}^+$  нинг диссоциланиши кузатилади. 5МПААНС,S-2,4 реагенти билан мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини комплекс ҳосил бўлиш реакцияларида ҳақиқий НЮМСК ( $\epsilon_{\text{ҳақ}}$ ) ва мувозанат константаси  $K_{\text{мув}}$ . Толмачёв методи билан топилди (1-жадвал). Бунда тенг концентрацияли эритмалардан фойдаланилди (моль/л): ( $C_{\text{Cu}^{2+}}=C_{\text{HR}}=3,14 \cdot 10^{-4}$ ,  $C_{\text{Zn}^{2+}}=C_{\text{HR}}=1,53 \cdot 10^{-4}$ ,  $C_{\text{Hg}^{2+}}=C_{\text{R}}=2,00 \cdot 10^{-4}$ ).

1-жадвал


$\text{Cu(II)}$ ,  $\text{Zn(II)}$  ва  $\text{Hg(II)}$  комплексларини спектрофотометрик тавсифлари

Комплекс таркиби	$\lambda_{\text{макс}}$ , нм		$\Delta\lambda$ , нм	$\epsilon_{\text{ҳақ}}$ (MeR)	$K_{\text{мув}}$	$K_{\text{бек}}$	$\beta_{\text{барк}}$	$\lg\beta_{\text{барк}}$
	Комп-лекс	Реа-гент						
$\text{Cu-(5МПААНС,S-2,4)}_2$	595	505	90	20000	2,73	$3,37 \cdot 10^{-18}$	$2,97 \cdot 10^{17}$	17,47
$\text{Zn-(5МПААНС,S-2,4)}_2$	565	510	55	42017	$1,26 \cdot 10^{-4}$	$6,95 \cdot 10^{-22}$	$1,44 \cdot 10^{21}$	21,16
$\text{Hg-(5МПААНС,S-2,4)}_2$	645	540	105	52632	$9,03 \cdot 10^{-7}$	$8,51 \cdot 10^{-23}$	$1,18 \cdot 10^{22}$	22,07

Диссертациянинг «5МПААНС,S-2,4 ва унинг мис(II), рух(II), симоб(II) билан комплексларининг физик-кимёвий тадқиқоти ҳамда металл-ионларини аниқлашнинг селективлиги» деб номланган 3-бобида мис(II), рух(II) ва симоб(II) комплексларини зарядлари аниқланган, 5МПААНС,S-2,4

молекуласи атомларининг энергиялари квант-кимёвий ҳисобланган, 5МПААНH,S-2,4 ва унинг комплексларини тузилиши ИҚ- ва ПМР-спектроскопияси билан таҳлил қилинган. Даражаланган график тенгламалари кичик квадратлар усулида ҳисобланган, мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларининг қуйи аниқланиш чегараси аниқланган. 5МПААНH,S-2,4 ёрдамида мис(II), рух(II) ва симоб(II) миқдорларини бегона ионлар иштирокида спектрофотометрик аниқланган.

Маълумки, ҳозирги кунда кимё ва молекуляр динамика методлари молекуляр, кристалл ва оралиқ (нано) ўлчамдаги мураккаб системаларнинг электрон ва атом тузилишини моделлаштиришда кенг қўлланилмоқда. Ушбу ишда пиридин асосидаги реагент молекуласидаги атомларни электрон тузилиши ва реакция қобилиятини билиш учун HyperChem дастурлар пакетидаги яримэмперик квант-кимёвий методидан фойдаланилди (6-расм).



6-расм. MNDO-усули бўйича 5МПААНH,S-2,4 молекуласидаги атомларда электрон зичликларни тақсимланиши.


MNDO методида 5МПААНH,S-2,4 молекуласидаги юқори банд қилинган атомларни эффектив зарядларининг квант-кимёвий ҳисоблаш натижаларини кўрсатишича, мис(II), рух(II) ва симоб(II) комплексларида донор-акцептор боғлари пиридин ҳалқасининг азот атоми ва пиридин ҳалқасига яқин бўлган диазо-гурухидаги азот атоми билан ҳамда ион боғ, нафтол ҳалқасининг гидроксил гурухидаги водород

ионларининг алмашилиши ҳисобига юзага келади.

Азобирикмаларнинг тузилишини идентификация қилиш учун реагент ва унинг Cu(II), Zn(II) ва Hg(II) комплексларини ИҚ-спектрлари олинди. 2800-2500  $\text{см}^{-1}$  соҳаларда ютилишнинг йўқлиги азореагент молекулаларини мономер тузилганлигидан далолат беради. Нафтолдаги гидроксил гурухи ҳисобига мавжуд бўладиган ички молекуляр кучли водород боғ димер (ёки полимер) ларнинг ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади.

Реагентнинг ИҚ-спектрида қуйидаги тавсифловчи ютилиш частоталари кузатилди: 2868, 2942  $\text{см}^{-1}$  да метил гурухи (-CH<sub>3</sub>) нинг симметрик ва ассиметрик валент тебранишлари; 3228, 3258  $\text{см}^{-1}$  да гидроксил гурухининг валент тебраниши 1542  $\text{см}^{-1}$  да ароматик ҳалқадаги C=C боғининг валент тебраниши; 1654  $\text{см}^{-1}$  да диазогурухининг (-N=N-) валент тебраниши; 1077, 1191  $\text{см}^{-1}$  да сульфогурухнинг (-SO<sub>3</sub><sup>-</sup>) симметрик ва ассиметрик валент тебраниши; 673  $\text{см}^{-1}$  да -S-O гурухининг валент тебраниши; 1497  $\text{см}^{-1}$  ва 3443  $\text{см}^{-1}$  да аминогурухнинг (-NH<sub>2</sub>) деформацион ва валент тебраниши; 792  $\text{см}^{-1}$  да нафталин ҳалқасидаги -C-H боғининг деформацион тебраниши; 3034  $\text{см}^{-1}$  да ароматик ҳалқадаги C-H боғининг валент тебраниши; 1405, 1366  $\text{см}^{-1}$  да -CH<sub>3</sub> гурухидаги -C-H боғининг ассиметрик ва симметрик деформацион тебранишлари аниқланди. Реагентнинг ПМР спектрида пиридин ҳалқасидаги

протонлардан Н-3, Н-4, Н-6  $\delta$ 5,85-6,05 м.у. да мультиплет сигнал, пиридин ҳалқасидаги метил гуруҳининг протонидан  $\delta$  2.24 м.у. синглет сигналлари намоён бўлди. Кучсиз майдон соҳасида гидроксил гуруҳининг протонидан  $\delta$  11.38 м.у. да синглет сигнал намоён бўлди. Нафтол ҳалқасидаги бошқа Н-протонлари  $\delta$  7.08-7.11 м.у. да дублет сигналларини кимёвий силжиши кузатилди. 5МПААНС,S-2,4 комплексларининг ИҚ-спектрларида –ОН гуруҳи валент частоталарининг яққол кузатилмаслигини металл иони нафтол ҳалқасидаги ОН<sup>-</sup> гуруҳининг кислород орасида Ме-О боғининг ҳосил бўлиши билан тушунтириш мумкин. Комплекслар тузилишини тасдиқлайдиган охириги частоталарнинг таҳлилини қуйидагича хулоса қилиш мумкин: 516-554 см<sup>-1</sup> соҳаларда –О-Ме боғининг валент тебраниши; 2961-2980 см<sup>-1</sup> соҳаларда ароматик ҳалқадаги –С-Н боғининг валент тебраниши; 2848-2924 см<sup>-1</sup> соҳаларда –СН<sub>3</sub> гуруҳининг симметрик ва ассиметрик валент тебранишлари; 1068-1158 см<sup>-1</sup> соҳаларда ароматик ҳалқадаги иккита SO<sub>3</sub><sup>-</sup> гуруҳининг симметрик и ассиметрик валент тебранишлари; 1652-1653 см<sup>-1</sup> соҳаларда N=N гуруҳининг валент тебранишлари, 3417-3447 см<sup>-1</sup> соҳаларда тебраниш частоталарини мавжудлиги –NH<sub>2</sub> гуруҳининг борлигини тасдиқлайди. Комплексларнинг ИҚ-спектрларида асосий ўзгариш гидроксигуруҳ (ОН) даги валент тебранишлари соҳасида юз беради. Реагент ва комплекслар ИҚ спектридаги асосий фарқ комплекс бирикмаларда 516-554 см<sup>-1</sup> соҳада кўшимча чўққиларнинг борлиги билан асосланади. Бу соҳада чўққиларнинг пайдо бўлиши гидроксил гуруҳидаги водороднинг сиқиб чиқарилиши ҳисобига металл ионлари ва гидроксил гуруҳидаги кислород атоми орасидаги валент боғнинг пайдо бўлиши билан тушунтирилади. Реагент молекуласидаги диазогуруҳнинг валент тебраниши 1654 см<sup>-1</sup> да, комплекс бирикмалардаги диазогуруҳнинг валент тебраниши 1652-1658 см<sup>-1</sup> соҳаларда кузатилади, бу эса ўз навбатида диазогуруҳ билан металл ионлари орасида координацион боғ борлигидан далолат беради. Қолган функционал гуруҳлар барча комплексларнинг ИҚ-спектрларида деярли бир хил. Текширилаётган 5МПААНС,S-2,4 билан Cu(II), Zn(II) ва Hg(II) ионларини рангли комплекс бирикмаларининг тузилишини ИК-спектроскопик таҳлил натижалари, таркибий моллар нисбати ва квант-кимёвий ҳисоблаш натижалари асосида қуйидагича ифодалаш мумкин:  $2[HR]^{2-} + Me^{2+} \rightarrow [MeR_2]^{2-} + 2H^+$ .



5МПААНС,S-2,4 реагенти билан мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионлари комплексларини аналитик қўллашда металл ионининг миқдорини топиш учун, спектрофотометрик методи билан ўлчанаётган “У” катталиги, оптик зичлик “А” аниқланаётган модда миқдори “Х<sub>1</sub>” га боғлиқлиги графигидан фойдаланилди.

Тўғри чизик тенгламаси Cu(II) учун  $Y_i = 0,0036 + 0,045X_i$ ; Zn(II) учун  $Y_i = 0,0054 + 0,0171X_i$  ва Hg(II) учун  $Y_i = 0,0033 + 0,0055X_i$  га тенг бўлди.

Реагентнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлган анализда ишлатилиш имкониятини ва методнинг танлаб таъсир этувчанлигини аниқлаш мақсадида бегона ионларнинг мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини аниқлашга таъсирини тадқиқоти ўтказилди. Аниқлаш умумий методика асосида оптимал шароитларда ўтказилди. Натижаларнинг кўрсатишича, 5МПААНС,S-2,4 реагенти билан 6,0 мкг мис(II) ни аниқлашда  $\text{Bi}^{3+}$ ,  $\text{Co}^{2+}$ ,  $\text{Fe}^{2+}$  (1:1);  $\text{Cd}^{2+}$ ,  $\text{H}_2\text{C}_6\text{H}_5\text{O}_7^-$  (1:0,5), 15,0 мкг рух(II) аниқлашда  $\text{Cu}^{2+}$ (1:7,5),  $\text{Ni}^{2+}$ , цитрат (1:5),  $\text{Cd}^{2+}$ ,  $\text{Fe}^{2+}$ ,  $\text{SCN}^-$  (1:0,5),  $\text{Ti}^{3+}$  ЭДТА и  $\text{OH}^-$  (1:0,1) ва 30,0 мкг симоб(II) аниқлашда  $\text{Sn}^{2+}$ ,  $\text{Pd}^+$  (1:33);  $\text{Fe}^{2+}$ ,  $\text{Fe}^{3+}$  (1:10);  $\text{Br}^-$ ,  $\text{I}^-$  (1:3);  $\text{Cl}^-$  (1:1) ҳалақит беради. Реагентнинг селективлигини оширилиши комплекс ҳосил бўлишнинг оптимал шароитларини тўғри танлаш билан боғлиқ, бу эса ОЗМ ларни аниқлаш методининг юқори метрологик тавсифларига эришиш имкониятини берди.

Турли хоссали ва миқдорлардаги комплекс ҳосил қилувчи бирикмаларнинг бегона катионлари ҳамда ҳалақит берувчи анионларнинг таъсирини аниқлаш бўйича натижалар  $\text{Cu}(\text{II})$ ,  $\text{Zn}(\text{II})$  ва  $\text{Hg}(\text{II})$  ионларини индивидуал эритмаларда 5МПААНС,S-2,4 билан аниқлаш имкониятини берди, бу эса ушбу ионларни сунъий, бинар, мураккаб аралашмалар ва табиий ҳамда саноат объектлари таркибидан аниқлашга асос бўлди. Шунингдек, ушбу металлларни турли табиий ва саноат объектларига ўхшаш намуналари таркибидан юқори метрологик тавсифлар ва аналитик параметрлар билан спектрофотометрик аниқлашда қўллашга асос бўлди.

Диссертациянинг «**Мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионлари аниқлашда ишлаб чиқилган спектрофотометрик методикаларини аналитик қўлланилиши**» деб номланган тўртинчи боби мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини 5МПААНС,S-2,4 эритмаси билан спектрофотометрик аниқлашга бағишланган. Ишлаб чиқилган спектрофотометрик методикалар ва олинган тажриба натижалари жаҳон адабиётларида маълум бўлган математик статистиканинг амалдаги қоида ва амаллари билан қайта ишланган. Ишлаб чиқилган методикани сунъий аралашма, табиий ва саноат объектлари (табиий сувлар, қотишма, минераллар, руда) ва бошқа реал табиий объектлар ҳамда саноат материаллари анализига қўллаш мумкин.

Мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини 5МПААНС,S-2,4 билан ишлаб чиқилган методика юқорида келтирилган методика билан никобловчилар ( $\text{Cu}(\text{II})$  учун  $\text{F}^-$ ,  $\text{CH}_3\text{COO}^-$ ;  $\text{Zn}(\text{II})$  учун  $\text{Cl}^-$ ,  $\text{NO}_2^-$ ;  $\text{Hg}(\text{II})$  учун,  $\text{NH}_4^+$ ,  $\text{NO}_2^-$  ва  $\text{CH}_3\text{COO}^-$ ) қўшиб сунъий аралашма анализига фойдаланилди.

Олинган амалий натижалар мис(II), рух(II) ва симоб(II)ни табиати ва миқдорлари турлича бўлган ҳамда алоҳида ҳолда учраганда ҳалақит бермайдиган ва бирга учрайдиган металллар иштирокида табиий объектлар ва саноат материаллари ҳамда ҳалақит берувчи ионлар иштирокида аниқлаш имкониятини яратди. Мураккаб сунъий аралашмаларни тайёрлашда  $\text{Cu}(\text{II})$ ,  $\text{Zn}(\text{II})$  ва  $\text{Hg}(\text{II})$  ни аниқлашга ҳалақит берувчи ионлар асос қилиб олинди. Мураккаб сунъий аралашмалар анализи натижалари 2-жадвалда келтирилган. Олинган натижаларга кўра,  $\text{Cu}(\text{II})$ ,  $\text{Zn}(\text{II})$  ва  $\text{Hg}(\text{II})$  ионларини реал объектлар

таркибига мос бўлган сунъий аралашмалар таркибидан спектрофотометрик аниқлаш мумкинлиги, ишлаб чиқилган методикадаги нисбий стандарт четланиш ( $S_r$ ) нинг Cu(II) учун 0,020, Zn(II) учун 0,023 ва Hg(II) учун 0,016 дан ошмаслиги билан асосланади, бу эса ишлаб чиқилган методиканинг ишончилигини ва тўғрилигини кўрсатади.

2-жадвал

Мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионлари миқдорини сунъий аралашма таркибидан аниқлаш натижалари ( $V=25,0$  мл,  $n=5$ ,  $P=0,95$ )

Сунъий аралашма таркиби (нисб.)	Кирилди $Me^{2+}$ , мкг,	A	Топилди $Me^{2+}$ , мкг $\bar{X} \pm \Delta X$	S	$S_r$	$\bar{X} \pm \Delta X$
Мис(II) ни аниқлаш, pH=4,0; $\lambda_{max}=595$ нм; $l=3,0$ см						
$K^+$ , $Na^+$ , $Br^-$ (500); $Mn^{2+}$ , $Ca^{2+}$ (75); $NH_4^+$ , $Ba^{2+}$ , $Al^{3+}$ (75); $Tl^{3+}$ , $Ni^{2+}$ , $Pb^{2+}$ (4); $CH_3COO^-$ (100); $F^-$ , $PO_4^{3-}$ (150); $Fe^{2+}$ (3);	6,00	0,275 0,284 0,280 0,270 0,282	6,03 6,23 6,14 5,92 6,18	0,122	0,020	6,10±0,15
Рух(II) ни аниқлаш, pH=6,5; $\lambda_{max}=565$ нм; $l=3,0$ см						
$K^+$ , $Na^+$ (500); $Bi^{3+}$ , $Ni^{2+}$ (0,5); $Co^{2+}$ (0,03); $NO_2^-$ , $Cl^-$ (50); $Hg^{2+}$ (0,02); $Mn^{2+}$ , $Ba^{2+}$ , $CH_3COO^-$ (100);	10,0	0,180 0,170 0,172 0,172 0,175	10,21 9,63 9,74 9,74 9,92	0,228	0,023	9,85±0,28
Симоб(II) ни аниқлаш, pH=8,6; $\lambda_{max}=645$ нм; $l=1,0$ см						
$K^+$ , $Na^+$ (500); $Ba^{2+}$ , $Al^{3+}$ (200); $V^{5+}$ , $Ag^+$ (100); $Ni^{2+}$ , $Cu^{2+}$ (30); $NH_4^+$ (150); $CH_3COO^-$ , $NO_2^-$ (100);	30,00	0,164 0,166 0,165 0,168 0,170	29,22 29,58 29,40 29,95 30,31	0,464	0,016	29,69±0,58

Ишлаб чиқилган мис(II), рух(II) ва симоб(II) ионларини 5МПААНС,S-2,4 билан сезгир ва танлаб таъсир этувчан аниқлаш методи саноат қотишмаларининг стандарт намуналари (А 203-1, А 203-5, А 202-2с, М 123-1 ва М 99-5) анализига қўлланилди.

